



ТАБРИКНОМА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ТАБРИГИ

download from website [http:// www.andijan.uz](http://www.andijan.uz)

Андижон вилояти ҳокимлиги

Вилоят ҳокими Ш.Абдурахмоновнинг 2015 йил

26 июнь куни «**Биз ёшлар - гиёҳвандликка қаршимиз**» шиори остида ўтказиладиган
шоу фестивалнинг очилишидаги кириш

С Ў З И

**Ассалому алайкум азиз талабалар, ҳурматли ёшлар,
қадрли устозлар, фестиваль қатнашчилари!**

Бугун бутун жаҳон жамоатчилиги “**Халқаро
гиёҳвандликка қарши кураш куни**” тадбирларини
нишонламоқда.

Дунёнинг барча мамлакатларида 26 - июнь куни
гиёҳвандликнинг олдини олиш шиорлари остида катта ҳайрия
акциялари, концерт дастурлари, спорт мусобақалари,
гиёҳвандликка қарши курашга йўналтирилган турли
кўргазмалар, таниқли жамоат арбоблари ва соҳа
мутахассислари билан учрашувлар, шунингдек бошқа оммавий
тадбирлар ташкил этилади.

Барча жойларда бўлгани каби бизнинг юртимизда ҳам
мазкур тадбирлар йилдан-йилга оммалашиб, аҳоли, айниқса
ёшлар ўртасида юксак ташкилотчилик билан ўтказиб
келинмоқда.

Сизларнинг иштирокингизда бугун “**Биз ёшлар -
гиёҳвандликка қаршимиз**” шиори остида ўтказиладиган
тадбиримиз ҳам Андижон ёшларининг жаҳондаги
тараққийпарвар инсонлар билан ҳамкорлиги, бирдамлиги
натижасидир.

Ҳукуматимизнинг “**Наркотик моддалар устидан назорат
қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат комиссиясини
ташкил қилиш тўғрисида**” 1994 йилнинг 30 апрель куни қабул
қилган 229-сонли қарори ҳам ушбу масала ҳукумат доирасидаги
энг муҳим сиёсий масалага айланганлиги белгиси деб биламан.

Ҳар йили комиссиянинг барча вилоятлардаги бўлимлари томонидан ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда **“Қора дори”**, **“Тўсиқ”** ва бошқа мавзуларда бир қатор тезкор тадбирлар ўтказиб келаётгани ўз самарасини бермоқда. Натижада кўплаб миқдорда юртимизга хориждан кириб келаётган **“оқ ажал”нинг** олди олинаётган бўлса, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида кўплаб профилактик тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Йилдан-йилга мамлакатимизда оқ ажалнинг олдини олиш, ёшларимизни гиёҳвандлик балосидан асраб қолиш мақсадида ташкил этилаётган тадбирлар тобора оммавийлашиб, уларда фаол иштирок этаётган ёшларнинг сони кўпайиб бормоқда.

Бу йил ҳам вилоятимизда **“Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунини”** юқори савияда ўтказиш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Айниқса, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилган профилактик-тушунтириш ишларининг самарасини ошириш, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш фақат тиббий эмас, балки ижтимоий муаммо ҳам эканлигини тушунтириш ишлари тизимли йўлга қўйилди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссияси, ҳуқуқ-тартибот ҳамда мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шу кунларда вилоятимизда жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда таркибида гиёҳванд моддалар бўлган ўсимликларни аниқлаб, йўқ қилиш мақсадида кенг кўламли **«Қора дори - 2015»** тадбирининг биринчи босқичи ўтказилмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида таъкидлашни хоҳлардим, ушбу тадбирларни кенг кўламда ташкил қилиб, юқори натижаларга эришишда вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, ички ишлар ҳамда миллий хавфсизлик хизмати бошқармаларининг мутасаддилари алоҳида ўрнатилган кўрсатиб келмоқдалар.

Ўйлайманки, бундай юртпарвар, садоқатли ҳамда жасоратли мутасаддиларимизнинг сафлари йилдан-йилга кенгайиб бораверади.

Азиз дўстлар!

Гиёҳвандлик ҳақида бугун ташвиш билан гапириляпти.

Радио телевидения ҳамда даврий матбуотнинг турли нашрларида бу ҳақида тез-тез хабарлар бериляпти.

Эҳтимол, бу кимлар учундир малол келиши, ортиқча шов-шув ёки қуруқ ваҳима бўлиб туюлиши мумкин.

Лекин, аслида бу иллат ҳақида, унинг иллизини қуритмоқлик ҳақида ҳар дақиқа ўйлашимиз ва бонг чалишимиз зарур.

Негаки, бу оғу таъсирида не-не ёшларнинг умри бевақт ҳазон бўлмоқда.

Эшитган кишини дахшатга солувчи гиёҳвандликнинг оқибатлари тобора ёшлар ҳаётига кириб бораётгани барчамизни бирдек хушёрликка даъват этади.

Шу боис, бу иллатга барҳам бериш ҳақида қўлни-қўлга бериб қайғуришимиз ва курашишимиз зарур.

Гиёҳвандлик инсонни таназзулга, залолатга, давосиз дардларга ва охири ўн гулидан бир гули очилмасдан ҳаётдан кўз юмишига олиб келишини тушунтириш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Бу йўлда барчангизга омад, сиҳат-саломатлик тилайман.

Эътиборларингиз учун раҳмат !